



ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОҒИШТИРМА ЛИНГВИСТИКАНИНГ ТАМАЛ ТОШИ ҚЎЙИЛИШИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

Раҳимов Сотиболди,

Андижон давлат университети профессори

Содиқова Дилфуза,

Андижон давлат университети катта ўқитувчиси

Калит сўзлар: лингвистик категория, чоғиштира тилишунослик, контрастив лингвистика, қиёсий-тарихий тилишунослик.

Ҳозирги замон тилшунослигида лингвистлар томонидан истеъмолга олиб кирилган қиёсий ёки чоғиштира тилишунослик (рус тилида: сопоставительное языкознание, сравнительное языкознание, сравнительно-историческое языкознание), [1.] лингвистик типология, контрастив лингвистика (Eng. Comparative typology, contrastive linguistics) каби йўналишлар ўз моҳияти билан қиёсий ёки чоғиштира тилишунослик муаммоларини илмий тадқиқ этиш учун ишлатилади. Аслида бу йўналишларнинг ҳар бири назарий тилишуносликнинг мустақил бўлимлари сифатида жаҳон тилшунослигида кенг тарқалган йўналишлардан саналади. Ўзбекистонда чоғиштира тилишуносликнинг тамал тошини Е.Д.Поливанов қўйган. Унинг «Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком» асари кейинчалик кўпгина турли морфологик структурага эга бўлган тилларни чоғиштиришда классик намуна бўлиб хизмат қилган. Хорижий тилларни ўзбек тили субсистемалари билан чоғиштиришни профессорлар Ж.Бўронов, У.Юсупов, А.Абдуазизов, М.Абдураззоков, С.Раҳимовлар бошлаб беришган. Ҳозирги кунга келиб юқорида зикр этилган чоғиштира тилишуносликнинг турли аспектида ўзлари мустақил йўналишга айланиб, ўз мақсад ва вазифаларига, ўрнига, аҳамиятига эга бўлди. Жумладан, чоғиштира лингвистиканинг алоҳида йўналиши ҳисобланмиш лингвистик типология чоғиштира лингвистиканинг

бошқа аспектидан баъзи хусусиятлари билан фарқлинишини тилишунослар алоҳида таъкидлашмоқдалар.

Биринчидан, типологияни хоҳлаган тилларни чоғиштиришга асосланган компаративистиканинг бир бўлими сифатида изохлаш; иккинчидан, лингвистик типологияда тилни структур таҳлил қилишнинг бошқа турларидан ажратиб олиш (жумладан, лингвистик характерология, лингвистик универсалия, контрастив лингвистикадан). Лингвистик типология тил манбаларини таҳлил қилишнинг илғор йўналиши сифатида охир-оқибат ўзининг мақсадига тўла мос келиши керак, яъни чоғиштирилаётган тиллардаги изоморф ва алломорф хусусиятларни аниқлаши керак. Чоғиштира тилишунослик муаммоларини лингвистларнинг халқаро конгресслари кун тартибига қўйилиши 1972 йил Болонияда, 1977 йили Венада, 1980 йили Халқаро анжуманларга олиб чиқилиши, чоғиштира лингвистиканинг масалаларини ҳал қилиниши тил моҳиятининг энг ичкариларида киришга, коммуникатив жараёнлар ва уларни амалга оширишга хизмат қилаётган тил унсурларининг ботиний мазмунини очишга хизмат қилади. Чоғиштира метод тилишуносликдан ташқари яна адабиётшунослик, тарих, юриспруденция (конунчиликда), фалсафада, маданиятда, социология каби фанларда кенг ишлатилади. Чоғиштира лингвистиканинг ривожига салмоқли хисса қўшган асар 1660 йили Париж яқинидаги Пор-Рояль монастирида Лансло ва Арно томонидан



ёзилган “Пор-роял” ёки умумий универсал грамматика бўлди. [2.]

Чоғиштира лингвистиканинг ривожига қиёсий-тарихий тилшунослик катта таъсир кўрсатган. Қиёсий-тарихий тилшунослик чоғиштира лингвистика билан чамбарчас боғлиқ, чунки бу метод тиллар системасини қиёлашнинг таркибий қисми ҳисобланади. Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг асосий текшириш объекти тилларни чоғиштириш бўлган. Ҳинд-европа ва туркий тилларни қиёслашга А.Навоийнинг “Муҳокаматул-луғатайн” (1499 йил) асари классик намуна бўлиб хизмат қилади. А.Навоийнинг бу асарида биринчи маротаба бир-бири билан келиб чиқиши жиҳатидан боғланмаган ва қариндош бўлмаган тиллар - эски ўзбек ва форс тиллари гўзал поэтик формада лексик, грамматик ва сўз яшаш аспекти нуктаи назаридан қиёсланган. Муаллиф бу асарида ўзбек тилининг ўзига хос бўлган ва форс тилида бир хил ярус бирлиги бўлолмайдиган хусусиятларини очиб берган. Чоғиштира лингвистиканинг шаклланишига Маҳмуд аз-Замаҳшарий араб ва форс тилларини қиёслаш билан, Маҳмуд Қошғарий “Девону луғатит турк” асарлари билан салмоқли ҳисса қўшишган. Айниқса, Маҳмуд Қошғарийнинг қариндош тилларни чоғиштиришга асосланган девони қиёсий лингвистиканинг кейинги ривожига катта таъсир кўрсатган.

Сўнгги йилларда типология билан қиёсий лингвистикани бир-биридан фарқлаш ҳақида тилшунослар фикр билдирмоқдалар. Б.А.Успенскийнинг таъкидлашича, типология чегарасиз, тирик ва ўлик тилларни таҳлил қилиш билан шуғулланса, чоғиштира тилшунослик олдиндан чегараланган тилларни чоғиштириш билан шуғулланади. Шунинг учун тилшуносликнинг бу соҳасини бошқача аташ керакмikan, яъни масалан; “Характерология” деб фикр билдирган. Умуман қиёсий лингвистика ва типологиянинг шаклланишида бир қатор факторлар роль ўйнаган.

Улардан биринчиси, бир тилнинг таҳлили учун фойдаланилган метод ва моделлардан бошқа тил тизимини текширишда фойдаланиш. Масалан, лотин тилининг биринчи грамматикалари қадимги грек грамматикалари модели асосида тузилган. Биринчилардан бўлиб лотин тили грамматикасини тузган М.Варрон “De lingua latina” китобида қадимги грек грамматикаси тизимини қўллаган ва уни ривожлантириб, лотин тилида артикль, олтита келишиқ, грек тилидаги бешта ҳамда саккизтанинг ўрнига грек тилидаги еттита сўз туркумини ажратган. Кейинчалик кўпчилик европа ва европа бўлмаган тилларнинг грамматикалари лотин, грек грамматикалари асосида тузилган. Биринчи инглиз грамматикалари ҳам ана шу модель билан ёзилган. Классик грамматикаларнинг бевосита таъсири остида Аббат Элфрикнинг “Glossary”, С.Жонсоннинг “Грамматика маълумотномаси”, Ж.Присли, Р.Лоус ва Ж.Кемпбелларнинг “Инглиз тили грамматикаси” пайдо бўлган. Тибет ва тамил тилларининг грамматикаси Панинининг Ҳинд грамматикаси асосига қурилган.

Иккинчи омил аниқ тилларни қиёслаш ва чоғиштиришдан бошланган.

Учинчи омил кам ўрганилган ва ёзуви йўқ тилларни чоғиштириш жараёни билан боғлиқ.

Тўртинчи омил таржима ва таржимашунослик фанининг таъсирида бўлган. Чоғиштира лингвистиканинг ҳозирги кунда кўпчилик олимлар эътироф этган қуйидаги бўлимлари мавжуд; биринчиси, тиллар системасининг яқинлиги, иккинчиси генетик жиҳатдан яқинлик, учинчиси миқдор жиҳатдан қиёсланаётган тилларнинг чегараланганлиги ёки чегараланмаганлиги, тўртинчиси ҳудудий жиҳатдан қиёсланаётган тиллар тизимининг чегараланиши ва бешинчиси қиёслашда контенсив методдан фойдаланиш.



XIX асрда ўзининг ривожланиш чўққисига етган қиёсий-тархий тилшунослик, бир неча асрларнинг маҳсулидир. Герман ва ногерман тиллардаги шаклан ўхшашликлар ва товушларнинг мос келиши, Я.Гримм томонидан герман тилларидаги ундошларнинг бир-бирига ўхшашлиги учун асос тилнинг яратилиши Ф. Бопп томонидан чоғиштира лингвистиканинг тамал тошининг қўйилишига асосий манба бўлиб хизмат қилди. Компаративистика ёки қиёсий-тарихий тилшунослик тилнинг аниқ бирликларини (товуш, аффикслар ва сўз) таҳлил қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Қиёсий-тархий тилшунослик XIX асрнинг яккаю ягона илмий таҳлил методи ҳисобланган.

Бу методларнинг асосчилари Ф.Бопп, Р.Раск, Я.Гримм, А.Х.Востоковлардир. Бу соҳада жуда кўп хизмат қилган олимлар А.Потт, А.Шлейхер, К.Бругманн, Б.Дельтрук, Ф.Дицлардир.

Рус олимларидан Ф.И.Буслаев, И.И.Срезневский, А.А.Потебня, Бодуэн-де Куренэ, А.А.Шахматов, Н.Богородцкий, В.Крушевский ва Ф.Ф.Фортунатовлар қиёсий-тарихий тилшуносликнинг асосчиларидан ҳисобланадилар.

Чоғиштира лингвистика, назарий тилшуносликнинг мустақил бўлими сифатида сон жиҳатдан чегараланган тилларни қиёслайди. Чоғиштира тилшунослик маъно планининг умумий танланган бирлиги ёрдамида тиллараро инвариантларни аниқлаш билан шуғулланади. Қиёсий, чоғиштира тилшунослик бўйича анчагина илмий ишларнинг бўлишига қарамай, асосий таҳлил методлари ва умумий тамойиллари ҳанузгача ишлаб чиқилмаган. Тилларни қиёслаш фақат тилларни эмас, балки бутун тизимни ёки тизимнинг бир бўлагини чоғиштириш орқали амалга оша бошлаган. Қиёсий метод морфологик структураси турлича бўлган генетик жиҳатдан боғланган тилларнинг ўхшаш томонларини аниқлайди. Тилларнинг сон жиҳатдан

чегараланганлиги боис, қиёсий тилшунослик лингвистик универсалияларни ўрната олмайди.

Чоғиштира лингвистика билан бир қаторда контрастив лингвистика атамаси ҳам ишлатилади. Контрастив тилшунослик қиёсий-тарихий тилшуносликка қарши пайдо бўлган ва чоғиштира тилшуносликка синоним бўлиши мумкин.

Айрим мамлакатларда контрастив лингвистика бўйича лойиҳалар тузилган. Масалан, улардан бири “Югослав (Серб-хорват) ва инглиз тили” лойиҳаси. Бу лойиҳа югослав ва америкалик олимлар билан ҳамкорликда яратилган.

Контрастив лингвистика марказларидан яна бири Штутгарт институтига ташкил этилган. Кейинги пайтларда бу соҳада поляк олимлари томонидан кўп ишлар амалга оширилган. Инглиз ва поляк тилларини чоғиштиришга бағишланган 5 жилдлик мақолалар тўплами чоп этилган. Юқорида тилга олинган лойиҳаларда контрастив лингвистика, мустақил қиёсий ёки чоғиштира фан сифатида эътироф этилган. Контрастив лингвистика лингвистик типологияга қарама-қарши қўйилади. Қиёсий типология эса лингвистик типологиянинг бир бўлими бўлиб қолади. Контрастив лингвистика икки тилдаги бир ярусга тегишли тил унсурларини ўрганса, қиёсий типология яруслараро тил системаларини қиёслаш кўпроқ характерли ҳисобланади.

Айрим олимларнинг фикрича контрастив лингвистиканинг асосий камчилиги унинг таҳлил методларининг барқарор эмаслигида. Контрастив лингвистикага бағишланган тадқиқотларда қиёлашнинг турли-туман омиллари учрайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, хинд-европа тилшунослигида чоғиштира лингвистиканинг шаклланишининг уч босқичи кузатилади.

Биринчи босқич. Франс Бопп, Расмуск Раск, Александр Востоков каби олимларнинг илмий ишларида қиёсий –



тарихий тилшуносликнинг алоҳида йўналиши сифатида чоғиштирма тилшунослик шаклланган. Бу даврда тилшунослар қариндош тилларни чоғиштириш билан шуғулланган.

Қиёсий – тарихий тилшуносликнинг иккинчи босқичи XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб А.Пот, Г.Курсиус, А.Кун ва Август Шлейхар илмий ишлари билан характерланади. Бу даврда тилшунослар қадимги тилларни қайта тиклаш билан банд бўлишган.

Учинчи босқич. Младограмматизм йўналишининг ривожини билан бошқа даврлардан ажралиб туради ва XIX асрнинг 70-йиллари ва 1910 йиллар оралиғини қамраб олади. Младограмматизм А.Лескин, Г.Остгоф, К.Бругман, Б.Дельбрюк каби олимлар билан машҳур ва бу давр қиёсий – тарихий тилшуносликнинг тўла-тўқис шакллангани билан аҳамиятли ҳисобланади.

Хўш, ҳинд-европа тилшунослиги тарихида чоғиштирма лингвистиканинг ривожланиши уч босқичдан иборат бўлса, унда Марказий Осиёда, жумладан Ўзбекистонда қай тарзда шаклланган деган савол туғилиши табиий. Ўзбекистонда ҳам чоғиштирма лингвистиканинг шаклланиши уч босқичдан иборат. Биринчи босқич ёки илк даври А.Навоий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Маҳмуд Қошғарий асарлари билан аҳамиятлидир. Бу даврда Мовароуннаҳрда чоғиштирма лингвистиканинг тамал тоши қўйилади.

Иккинчи даври Ўзбекистонда хорижий тилларни кенг кўламда ўқитилиши ва хорижий тил билан ўзбек тилининг грамматик суб- категорияларини қиёслашга асосланган бўлиб, бу давр XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, XXI асрнинг биринчи ўн йиллигини қамраб олади.

Учинчи даври эса, XXI асрнинг биринчи ўн йиллигидан бошланиб ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. Иккинчи давр асосан лингвистик категорияларни субсистема (subsystem) усулида чоғиштирган бўлса, учинчи давр

хоулсистем (whole system) усулида тилни тизим сифатида чоғиштиришга ўтган.

Қиёсий типология борасида Республикамизнинг етакчи мутахассисларидан бири Ў.Қ.Юсупов 2007 йилда “Теоретические основы сопоставительной лингвистики” монографияси чоғиштирма лингвистиканинг турлича ёндашувларидан ташқари унинг умумий принциплари ҳамда нутқ фаолияти ва матн доирасида чоғиштириш жиҳатлари ёритган.

Бу йил мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигини нишонлаймиз. Шу давр мобайнида Республикамизнинг икки етакчи олийгоҳларида – Ўзбекистон Жаҳон тиллар университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институти қошида роман-герман филологияси бўйича докторлик ва номзодлик диссертацияларининг химоясига асосланган илмий кенгашлар фаолият кўрсатди ва бу кенгашларда юртимизнинг кўзга кўринган олимлари Ғайбулла ас-Салом, Ж.Бўронов, Ў.Қ.Юсупов, Ш.С.Сафаров, А.А.Абдуазизов, М.Э.Умархўжаев, А.Э.Маматов, С.Раҳимов, Э.Бегматов, А.М.Бушуй, Х.Орзиқулов, Г.Х.Боқиева, Д.У.Ашурова, М.И.Расуловалар фаол иштирок этишган. Зикр этилган илмий кенгашларнинг барча мажлисларида чоғиштирма лингвистиканинг долзарб муаммолари муҳокама этилган. Жумладан, Д.У.Ашурованинг морфемаларнинг матн ҳосил қилиш масаласига бағишланган докторлик диссертацияси, М.И.Расулованинг лингвистикада лексик сатҳнинг ёритилишига бағишланган докторлик диссертацияси, Ғ.М.Ҳошимовнинг гипотаксисга, Ж.Ёкубовнинг модаллик категориясининг типологик хусусиятларига бағишланган докторлик диссертациялари мустақиллик йилларининг маҳсули ҳисобланади. Айнан мустақиллик даврида қиёсий типология ривожини янги босқичга кўтарилди деб бемалол айта оламиз. Чунки, бу даврда Президентимиз И.А.Каримовнинг



ташаббуслари билан хорижий тилларни ўрганишга катта эътибор қаратила бошланди. Бунинг натижасида хорижий тилларни қиёсий тадқиқ этишга қаратилган кўплаб ишлар амалга оширилди. Собиқ иттифок даврида қиёсий тадқиқот ишлари асосан рус тили ва баъзан баъзи овропа тилларининг фонетик, морфологик, синтактик хусусиятларини таққослашга қаратилган бўлса, мустақиллик давридаги илмий тадқиқотлар тилларнинг нафақат таркибий хусусиятлари, балки уларнинг концептуал, лингвوماданий ва прагматик жиҳатларини қиёслаб ўрганишга ҳам бел боғланди. Мисол учун, 2004 йилда М. Четин ўзбек ва турк тилларида деривацион белгиларни аниқлаган бўлса, 2007 йилда Ш. Ашуровнинг “Инглиз ва ўзбек тилларида кесим типологияси” диссертацияси синтаксем таҳлил асосида мазкур иккала тилдаги тил унсурларининг синтактик сатҳдаги семантик жиҳатлари махсус моделарга солиб ўрганилди. Ўша йили химоя қилинган О. Исаровнинг номзодлик диссертацияси инглиз ва ўзбек тилларида таксис ҳодисасининг ифодаланишидаги турли тил макерлари тадқиқ этилди. 2009 йилда Ғ.Мирсанов инглиз ва ўзбек тилларидаги юриш-ҳаракат феълларини акционал гуруҳларга ажратиш орқали уларнинг аспектual вазият турларини аниқлаган ишини химоя қилди. 2012 йилда Ф.Усмановнинг “Синтактико-семантическое сопоставление двусоставных безглагольных предложений” номзодлик ишида инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги феъл иштирок этмайдиган гаплар таркиби қиёсий ўрганилди. А.Морозова томонидан бажарилган ишда (2011) испан, рус, ўзбек тилларида гендер муносабатлари қиёслаб ўрганилди. Албатта, бу каби бажарилган ишларни яна ўнлаб келтириш мумкин. Мазкур тадқиқий ишларда собиқ тузум давридаги бир тарафлама, яъни тилнинг фақатгина система сифатида қиёсий ўрганилишдан воз кечилганлиги ва тилнинг амалий, когнитив, прагматик

томонларига ҳам эътибор юқори бўлганлигини кўрсатади. Ҳозирги кунда тил таркибини қиёсий ўрганишга бўлган қизиқиш янада ортиб бормоқда, жумладан, инглиз, немис, хитой, француз, испан, корейс, япон, турк, араб, форс, итальян тилларини қиёсий ўрганишга бағишланган докторлик диссертациялари устида ишлар амалга оширилмоқда. Лингвистикага оид илмий журналларда, анжуманларда қиёсий ўрганишга бағишланган юзлаб илмий мақолаларга дуч келишимиз мумкин. Бу ишларнинг кенг миқёсда амалга оширилаётганлиги мустақилликнинг махсули деб бемалол эътироф этиш мумкин.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ профессор Ж.Бўронов ташаббуси билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университетида ташкил этилган илмий кенгаш Республикамизнинг барча олийгоҳларида тайёрланган докторлик ва номзодлик диссертацияларини камраб олган ва бу диссертацияларнинг 90 фоизи чоғиштира лингвистиканинг ечимини кутаётган муаммоларга бағишланганлиги билан аҳамиятлидир.

Профессор Ж.Бўроновнинг инглиз ва турк тилларининг лингвистик категорияларини чоғиштиришга асосланган монографияси, [3.] А.А.Абдуазизовнинг инглиз ва ўзбек тилларининг фонетик ва фонологик хусусиятларини ёритиб берган илмий ишлари, Ў.Қ.Юсуповнинг чоғиштира лингвистикани бошқа йўналишлардан фарқлаб берувчи рисоласи, С.Раҳимовнинг “Фундаментал лингвистик категориялар чоғиштира тилшуносликнинг глобал муаммолари”, - деб номланган монографиялари мамлакатимиз тилшунослигида XX асрнинг охири XXI асрнинг бошларида чоғиштира лингвистиканинг тамал тошини қўйилишига асос бўлган, десак муболаға бўлмайди.

Мустақиллик даврига келиб, жаҳон тилшунослигида кенг миқёсда тадқиқ этилаётган когнитив тилшунослик,



прагмалингвистиканинг турли сатҳларини қиёсий ўрганишга ҳам кенг эътибор қаратила бошланди.

Худди шунингдек, сўнгги йилларда чоп этилган профессор Ш. Сафаровнинг “Семантика” деб номланган монографиясида ҳам чоғиштира лингвистиканинг айрим тамойиллари хусусида фикрлар билдирилган. Ҳозирги кундаги масалалардан энг долзарблари кейинги йилларда Республикамизнинг олий ўқув юртларида ўқитилаётган ва ўргатилаётган хитой, корейс, япон тилларининг субсистемаларини туркий тиллар билан чоғиштиришни амалга

оширишга бағишланиши керак деб ўйлаймиз. Ана шунда чоғиштира лингвистика ва унинг асосий тамойили чоғиштира метод хорижий тил билан миллий она тилларимиз ўртасидаги интерференция ходисасини бартараф қилса ажаб эмас.

Чоғиштира лингвистиканинг галдаги вазифалари чоғиштира лексикология, чоғиштира стилистика, чоғиштира таржимашунослик ва чоғиштира фонология йўналишлари бўйича фундаментал илмий асарлар яратишдан иборат деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар:

1. Поливанов Е.Д. Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком. - Ташкент, 1934.
2. Успенский Б.А. Структурная типология языков. - М., 1965.
3. Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. - М.: Высшая школа, 1983.

Рахимов С., Содикова Д. О развитии сопоставительной лингвистики в Узбекистане. Статья содержит сведения о развитии сравнительной и сопоставительной типологии в Узбекистане и работе лингвистов в этом направлении.

Raximov S., Sodikova D. About development of contrastive linguistics in Uzbekistan. The article contains information about the development of comparative and linguistic typology in Uzbekistan and the works devoted to the developing of comparative linguistics in the Republic.
